



ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ИСТИҚБОЛДА БАРҚАРОР АМАЛГА ОШИРИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Турсунов Жаҳонгир Пулатович -

Ўзбекистон Республикаси

Банк-молия академияси доценти, PhD

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a50](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a50)

Аннотация. Мазкур мақолада пенсия таъминоти тизимининг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Шунингдек пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг бугунги ҳолати таҳлил қилинган. Суғурта моделига асосланган ва жамғариш компонентларига эга пенсия тизимини ташкил қилиш ва унинг афзалликлари ёритилган. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими ҳолати ҳам кўриб чиқилган. Ўзбекистонда ўртача ойлик иш ҳақи ва ўртача пенсия миқдорларининг нисбатлари, яъни қоплаш коэффициентини таҳлил қилинган. Шунингдек пенсия таъминоти тизимини истиқболда барқарор амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: пенсия, пенсия таъминоти тизими, жамғариб бориладиган пенсия, пенсия суғуртаси, ижтимоий таъминот, кўп даражали пенсия тизими, қоплаш коэффициентини, ўртача ойлик иш ҳақи, ўртача пенсия миқдори, нодавлат пенсия фонди, корпоратив пенсия, акциядорлик жамияти.

ПУТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ УСТОЙЧИВОЙ РЕАЛИЗАЦИИ ПЕНСИОННОЙ СИСТЕМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ В БУДУЩЕМ

Турсунов Жаҳонгир Пулатович -

Доцент, доктор философии в области экономики (PhD),

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье освещаются значение и особенности пенсионной системы. Также анализируется текущее положение пенсионеров и получателей социальных пособий. Выделены организация пенсионной системы, основанная на страховой модели и имеющая накопительные компоненты, и ее преимущества. Также рассмотрено состояние накопительной пенсионной системы. Проанализированы соотношения среднемесячной заработной платы и среднего размера пенсии, коэффициент покрытия в Узбекистане. Также разработаны предложения и рекомендации по стабильному внедрению пенсионной системы в будущем.

Ключевые слова: пенсия, пенсионная система, накопительная пенсия, пенсионное страхование, социальное обеспечение, многоуровневая пенсионная система, коэффициент покрытия, среднемесячная заработная плата, средний размер пенсии, негосударственный пенсионный фонд, корпоративная пенсия, акционерное общество.

WAYS TO ENSURE SUSTAINABLE IMPLEMENTATION OF THE PENSION SYSTEM IN UZBEKISTAN IN THE FUTURE

Tursunov Jakhongir Pulatovich -

Associate Professor, Doctor of Philosophy in Economics (PhD),

The Banking and Finance Academy Republic of Uzbekistan

Abstract: This article highlights the importance and features of the pension system. It also analyzes the current situation of pensioners and recipients of social benefits. The organization of the pension system, based on the insurance model and having funded components, and its advantages are highlighted. The state of the accumulative pension system is also considered. The ratio of the average monthly wage and the average pension, the coverage ratio in Uzbekistan are analyzed. Proposals and recommendations have also been developed for the stable implementation of the pension system in the future.

Keywords: pension, pension system, funded pension, pension insurance, social security, multi-level pension system, coverage ratio, average monthly salary, average pension, non-state pension fund, corporate pension, joint-stock company.

Кириш. Пенсия таъминоти тизими ҳар бир мамлакатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим дастаги ҳисобланади. Бунда асосан белгиланган муддатларда пенсия учун бадаллар ўтказиб борган, меҳнат лаёқатини бутунлай ёки вақтинча йўқотган, боқувчисидан маҳрум бўлган шахсларни пенсиялар орқали уларни моддий таъминлаш тушунилади, яъни пенсия айрим тоифадаги шахслар учун давлатнинг энг муҳим ижтимоий кафолатларидан биридир.

Аҳолини бу турдаги ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғри-

сида”ги фармонига асосан тасдиқланган тараққиёт стратегиясининг “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” номли тўртинчи йўналишида белгиланган “54 мақсад – пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, бунда фуқароларнинг пенсия миқдорлари мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошиб боришини таъминлаш вазифаси белгилаб қўйилган”[1].

Жаҳон амалиётида пенсия таъминоти ижтимоий муҳофазанинг ажралмас қисми ҳисобланиб, давлатнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Давлатнинг тузилиши ва имкониятларига мувофиқ ҳолда фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 22-моддасида қайд этиб ўтилган. Унга кўра, пенсия таъминоти – муайян давлат қонунчилигида ўрнатилган тартибда, асосий даромад манбасини қариялик, ногиронлик ва боқувчисини йўқотган фуқароларни моддий таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий ва иқтисодий чора-тадбирлар мажмуасидир.

Адабиётлар шарҳи. Розановнинг[2] таъкидлашича, жаҳон амалиётида жамғариб бориладиган ва тақсимланувчи пенсия моделлари соф ҳолда кам учрайди. Бир вақтнинг ўзида мажбурий ва ихтиёрий жамғариб бориладиган қисмлари мавжуд пенсия тизими Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар орасида фақат Норвегияда амал қилади.

Вавулиннинг [3] фикрича, Хусусий пенсия фондлари – нотижорат молиявий ташкилотлар бўлиб, пенсионерларнинг ихтиёрий қўйилмалари ҳисобига уларни молиявий нафақа билан таъминлайди. Улар мажбурий пенсия суғуртаси ва нодавлат (қўшимча) пенсия таъминоти билан шуғулланадилар.

Немис иқтисодчиси А.Борш-Супан [4] Европа мамлакатларида пенсия тизимини (хусусий, бирдамлик пенсия тизими) ислоҳ қилишнинг асосий муаммоларини қилинаётган харажат ва аҳолининг ўртача умр кўриш ёшининг ўсиши нуқтаи назардан кўриб чиққан.

Россиялик олим В.Роикнинг [5] илмий ишларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда пенсия таъминотининг ўрни, пенсия суғуртаси, ижтимоий суғурта ва унинг молиявий-иқтисодий асослари, пенсия тизимида ислоҳотларни амалга оширишда қандай усуллардан фойдаланиш кераклиги борасида усуллар келтирилган.

Халқаро молиявий ташкилотлар Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро пенсия ва ижтимоий жамғарма-

лар ассоциацияси, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ҳар йили жаҳон мамлакатлари пенсия тизимларининг ҳолати, ундаги ислоҳотлар тадқиқ этилмоқда.[6]

Тадқиқот методологияси. Мақола Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини истиқболда барқарор амалга оширилишини таъминлаш йўллари ишлаб чиқишга қаратилган бўлиб, аввало мавзу долзарблиги асосланиб, ушбу соҳа бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ўрганилди. Илмий тадқиқот давомида аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришгунга қадар, яъни режали иқтисодий даврида пенсия таъминоти тизими давлат ижтимоий таъминотининг таркибий компоненти ҳисобланган бўлиб, нафақат пенсия таъминоти, балки моддий ёрдам, ижтимоий, тиббий, санаторий ва курорт хизматлари, меҳнатга лаёқатсиз ва кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш каби хизматларни ҳам қамраб олган эди. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун эса давлат бюджетидан маблағлар ажратилган. Бундай схеманинг мавжудлиги пенсия таъминотини молиявий бошқаришнинг давлат органи сифатида Пенсия жамғармасини ташкил қилишга зарурат бўлмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 14 январдаги 9-сонли қарорига кўра, ССЖ Пенсия фондининг Ўзбекистон жумҳурият бўлими ташкил этилди. Бу пенсия таъминоти тизимидаги янги босқич эди. Айнан шу даврдан бошлаб мамлакатимизда пенсия таъминоти тизимида янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнлари бошланди. 1994 йилда эса Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилди. Кейинчалик, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги 459-сонли қарорига асосан Ижтимоий суғурта жамғармаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига айлантирилди ва давлат бюджети таркибига киритилди.

Мазкур жамғарма Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сонли қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўзгарди ҳамда жамғармага мажбурий тўловлар солиқларга тенглаштирилди ва бу Солиқ кодексида мустақамлаб қўйилди. Шунингдек, 2005 йил 1 январдан бошлаб жамғарма Молия вазирлигининг идоравий қарамоғига ўтказилди. Бунда юзага келган ўзига хослик шундаки, пенсия ишларини тайинлаш ва ҳисоблаш ишлари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (ҳозирги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги) ваколатларида сақланиб қолган бўлсада, маблағларни жамлаш, молиялаштириш ишлари

Молия вазирлиги томонидан амалга оширилдиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сонли фармони ҳамда ПҚ-1252-сон қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилди. Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимининг бугунги ҳолатини пенсия суғуртасининг элементлари билан тақсимлаш тизими кўринишида ифодалаш мумкин. Ҳаттоки 2005 йилдан АТ Халқ банкида жамғариб бориладиган пенсия ҳам “авлодлар бирдамлиги” тамойилига асосланган тақсимловчи компонентлар асосида жорий қилинди.

Пенсия тизимидаги тақсимловчи компонент илк бор “Бисмарк модели” асосида ташкил этилган бўлса-да, биздаги ҳозирги тизим кўпроқ совет даврида амал қилган пенсия таъмино-

ти нормаларини мерос қилиб олган. Буларни куйидаги омиллар орқали кўриш мумкин:

- уч турдаги (ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик) меҳнат пенсияларининг амал қилиши;
- кўплаб имтиёзли пенсия ва нафақа (моддий ёрдам)ларнинг мавжудлиги;
- пенсия миқдорини аниқлашда паст дифференциация кўрсаткичи;
- белгиланган пенсия ёшининг паст эканлиги ва ўзгаришсиз қолаётганлиги (эркаклар учун 60 ёш, аёллар учун 55 ёш);
- аёлларнинг ўртача умр кўриш ёши эркакларникига нисбатан юқори эканлигига қарамай, улар учун пенсия бўйича имтиёзлар кўп-лиги.

Мазкур омилларнинг ижобий томонлари ҳам мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш ва пенсионерлар учун муносиб турмуш тарзини яратишга имконият беради.

1-жадвал


Ўзбекистонда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони [7]

Йил	Пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони	Ёшга доир пенсия олувчилар сони	Ногиронлик пенсиясини олувчилар сони	Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчилар сони	Ижтимоий нафақа олувчилар сони
2012	3 071 000	2 118 000	406 000	261 000	286 000
2013	3 091 000	2 148 000	392 000	250 000	301 000
2014	3 120 000	2 182 000	381 000	242 000	315 000
2015	3 204 000	2 263 000	368 000	242 000	331 000
2016	3 324 000	2 369 000	361 000	241 000	353 000
2017	3 489 000	2 481 000	368 000	248 000	392 000
2018	3 690 000	2 618 000	380 000	260 000	432 000
2019	3 878 000	2 750 000	392 000	261 000	475 000
2020	4 029 000	2 849 000	396 000	270 000	514 000
2021	4 253 000	2 987 000	409 000	289 000	568 000

Ўзбекистонда охириги ўн йилликда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сонини таҳлил қиладиган бўлсак, 2012 йилда жами пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони 3 071,0 минг нафар бўлган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 4 253,0 минг нафарга ошган яъни 28 фоизгача кўпайган. Бунда энг юқори улуш ёшга доир пенсия олувчилар ҳиссасига тўғри келиб, 2 987,0 минг нафарни ташкил қилмоқда. Кейинги ўринларда ногиронлик пенсиясини олувчилар 409,0 минг нафарни, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчилар 289,0 минг нафар, ижтимоий нафақаларни олувчилар эса 568,0 минг нафарни ташкил қилмоқда.

Пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сонининг ошиши 2022 йилда ҳам давом этмоқда ҳамда 1 ноябр ҳолатига кўра жами 4 267,0 минг нафар бўлиб, жами аҳоли таркибида 12 фоизни ташкил қилмоқда. Бу эса йилдан-йилга пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони ошиб бораётганлигини кўрсатади. Агар пенсия тизимида бугун маълум бир ислохотларни амалга оширилмаса, келажакда янги хавфлар пайдо бўлишни бошлайди. Бунда аҳолининг кескин ўсиб бораётганлиги ҳам таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда пенсия таъминотининг барқарорлиги кўпроқ суғурта моделига асосланган ва жамғариш компонентларига эга тизим мавжудлиги ва фаолияти билан ўлчанади.




1-расм. Ўзбекистонда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони, 2022 йил 1 ноябр ҳолатига [8]

Амалда Ўзбекистондаги тақсимлаш хусусиятига эга пенсия тизими билан истиқболда пенсионерларнинг турмуш даражасини таъминлаш имконияти жуда паст бўлади. Буларга қуйидаги омилларни келтириш мумкин:

– Пенсия тайинлаш учун мурожаат этувчи фуқароларнинг сони кескин равишда ошиши,

шунингдек, мурожаат этувчилар таркибида иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия олувчиларнинг салмоғи ўзгариши ҳисобига бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигига таъсир этиши.



2-расм. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия олувчиларнинг жами пенсионерлар таркибидаги салмоғи ўзгариши (фоиз ҳисобида) [9]


Пенсия жамғармаси биринчидан давлат пенсияларини (ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик) тайинлаш ва тўлаш, пенсионерларни пенсияга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш билан шуғулланса, иккинчидан камбағалликни қисқартиришга қаратилган ижтимоий ҳимоя институти сифатида намоён бўлади. Шунингдек норасмий (яширин иқтисодиёт) секторда банд бўлганларнинг ҳисобига

келажакда Пенсия жамғармаси даромадлари сезиларли ҳажмда пасайиб кетади. Бунга сабаб пенсия учун фақат иш берувчилар томонидан белгиланган миқдорлардаги ижтимоий солиқ тушумларининг тўланаётганлиги, ишловчилар томонидан пенсия учун ҳеч қандай маблағнинг тўланмаслиги, жисмоний шахслар айрим тоифаларининг ижтимоий солиқ тушумларини тўлаши ва мазкур тўланаётган маблағларнинг ҳи-

собланадиган пенсия миқдорига боғлиқ эмаслиги билан изоҳланади.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра Ўзбекистонда 2021 йил якунлари бўйича жами меҳнат ресурслари сони 19 334,9 минг кишидан иборат бўлган бўлса, бунда иқтисодий фаол аҳоли сони 14 980,7 минг кишини ташкил этган. 15 млн. нафар иқтисодий фаол аҳолини пенсия тизимига тўлиқ қамраб олиш учун, аввало, Пенсия жамғармасига тўланадиган суғурта бадалини махсус очиладиган ҳисоб рақамда жамғариб бориладиган кўринишда қайта жорий этиш мақсадга мувофиқ [10].

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг самарадорлиги пастлиги, яъни жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб varaғида йиғиладиган маблағлар даромадлигининг инфляция даражасидан пастлиги, мазкур тизимда маблағларни жамғариш учун алтернатив вариантлар (нодавлат пенсия фондлари) йўқлиги, жамғариб бориладиган пенсия маблағларини муддатидан олдин (пенсия ёшига етгунга қадар) олиш имкониятининг мавжуд эмаслиги, жамғариб боровчи томонидан маблағларнинг мустақил бошқариш имконияти йўқлигидир.



3-расм. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими маблағлари (млрд.сўмда) [11]

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари фуқароларининг иш ҳақидан олинadиган даромад солиғидан 0,1 % миқдорда белгиланган (31.12.2018 йилгача бу 2 %ни ташкил этган). 2019 йил бошига жами маблағлар 3763,9 млрд. сўмни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 56,36 %га ўсишига эришилган. Бу албатта, биринчи навбатда, иқтисодий фаол аҳоли сони 2018 йилга нисбатан 1,5 % ошганлиги ва солиқлардаги ўзгариш сабабли жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бадаллар миқдори 1 %дан 2 % оширилганлиги билан изоҳланади. Лекин 2019 йилдан бошлаб аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида янги солиқ концепциясига асосан бадаллар миқдори ўзгарганлиги учун, 2020 йилда 3748,8 млрд. сўмни, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 4438,1 млрд. сўмни ташкил этган.

Юқорида кўрилган ҳолатлар бўйича умумлаштирадиган бўлсақ, ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган меҳнат (суғурта)

стажининг камлиги (7 йил) ҳисобига норасмий секторда ҳозирги кунда банд бўлганларнинг кўпчилиги мазкур стажга эга эканлиги ва улар томонидан пенсия учун ҳеч қандай бадал тўланмаётганлигини ҳисобга олсақ, келажакда ёшга доир пенсия тайинлаб, мурожаат этувчилар ҳиссаси янада ошади ва бу пенсия таъминотида жиддий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини истиқболда барқарор амалга оширишда, йилдан-йилга ўсиб бораётган пенсионерлар учун муносиб турмуш сифатини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга яна бир кўрсаткич қоплаш коэффициенти ҳисобланади. Қоплаш коэффициенти – ишчи (хизматчи)ларнинг олган ойлик иш ҳақини пенсия таъминоти кўринишида қайтариш тушунилади. Қоплаш коэффициентининг белгиланган меъёрлари мавжуд бўлиб, буни қуйидаги жавдал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари [12]

№	Моддий жиҳатдан маблағ билан таъминланувчи ижтимоий риск турлари	Ижтимоий хавф бўйича моддий таъминот ҳуқуқи мавжуд тоифалар (оила ҳисобига)	Илгари олинган даромадига нисбатдан тўлов миқдори, %да
1	Касаллик (вақтинчалик ишга лаёқатсизлик)	Оила учун (эркак киши турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзанди билан)	45
2	Ишсизлик (расмий ишсизлик)	Оила учун (эркак киши турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзанди билан)	45
3	Қариллик (кексалик)	Пенсия ёшидаги эркак киши ва унинг турмуш ўртоғи учун	40
4	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар (меҳнатда жароҳатланиш) ва касб касаллиги:		
4.1.	Меҳнат қобилиятини йўқотилиши	Оила учун (эркак киши турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзанди билан)	50
4.2.	Ногиронлик	Оила учун (эркак киши турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзанди билан)	50
4.3.	Боқувчисини йўқотганлик	Бева аёл учун (икки нафар фарзанди билан)	40
5	Оналик (ҳомилдорлик ва туғиш нафақалари)	Аёл киши учун	45
6	Ногиронлик	Оила учун (эркак киши турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзанди билан)	40
7	Боқувчисини йўқотганлик	Бева аёл учун (икки нафар фарзанди билан)	40

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан белгиланган ва тавсиявий характерга эга ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрларида ёшга доир пенсия учун белгиланган қоплаш коэффициентлари 40 %дан кам бўлмаслиги келтирилган. Аммо Ўзбекистонда қоплаш коэффициентлари 40 %га етиб бормаяпти. Бу эса тизимда ислохотларни амалга ошириш заруратини кўрсатади.

Қоплаш коэффициентини оширишда пенсия тизимида ислохотларни амалга ошириш,

жумладан пенсияларни индексация қилиш билан боғлиқ масалалар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Мазкур масалаларни ҳал қилишда пенсия бадалларини ошириш, пенсия таъминотида оид имтиёزلарни қисқартириш, пенсия ёшини оширишни назарда тутадиган анъанавий усуллардан воз кечган ҳолда хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва энг яхши тажрибаларни мамлакатимизда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда ўртача ойлик иш ҳақи ва ўртача пенсия миқдорлари ҳамда қоплаш коэффициенти миқдорлари [7]

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	Ўртача ойлик иш ҳақи миқдори, минг сўмда	739,6	865,9	1017,9	1171,6	1293,8	1453,2	1822,0	2324,5	2660,0	3200,0
2.	Ўртача ойлик пенсия миқдори, минг сўмда	274,0	330,8	404,3	438,2	494,2	556,8	640,5	733,2	848,5	924,7
3.	Қоплаш коэффициенти, фоизда	37,0	38,2	39,7	37,4	38,2	38,3	35,2	31,5	31,9	28,9

Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, пенсия таъминоти тизимлари давлат (тақсимланувчи) тизимидан суғурта моделига асосланган ва жамғариш компонентларига эга бўлган тизим томон ҳаракатланмоқда. Бу эса истиқболда пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини такомиллаштиришда 3 даражали пенсия тизимини яратиш вазифасини кўймоқда, яъни булар:

1. Давлат томонидан кафолатланган энг кам пенсия миқдори (иш стажи ва ойлик иш ҳақидан қатъий назар барча фуқаролар олади).

2. Мажбурий жамғарма схемаси (марказлаштирилган ёки ҳусусий бошқарув остида). Пенсия тўлови миқдори пенсионерларнинг индивидуал ҳисоб рақамларида жамғариб борган маблағлари ҳамда турли хил активларга қилган сармоялари натижасида олинган даромадларига боғлиқ.

3. Молиявий институтларда ихтиёрий равишдаги жамғарма тизими (ҳусусий суғурта).

Уч даражали пенсия тизимини шакллантириш учун эса албатта барқарор ривожланган пенсия маблағларини инвестиция қилиш имкониятини берувчи диверсификациялашган мо-

лия бозорларининг мавжуд бўлиши ҳамда аҳоли бандлигини тўлиқ таъминлаш зарур. Шунингдек кўп даражали пенсия таъминоти тизимини шакллантиришда суғурта моделига асосланган ва жамғариш компонентларига эга бўлган тизимни яратмасдан пенсия таъминоти тизимининг узоқ муддат барқарор ишлашини таъминлаш борасидаги ислохотлар ҳеч қандай наф бермайди. Шунинг учун айнан суғурта тамойилларига асосланган пенсия таъминотига тўлиқ ўтиш мақсадга мувофиқдир [13].

Хулоса ва таклифлар. Хулоса ўрнида пенсия таъминотини суғурта принципларига ўтказишда қуйидаги босқичларда амалга оширилиши зарур:

1. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини мустақил молия институти сифатида статусини ўзгартириш, ўз харажатларини ўзи мустақил қоплаши учун молиялаштиришнинг суғурта принципига ўтиш ва қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– пенсия учун маълум бир белгиланган бадалларни тўламаётган ёки имтиёзли асосда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи имтиёзлар рўйхатини қайтадан кўриб чиқиш ёхуд қисқартириш;

– пенсияга суғурта бадалларини тўлашнинг янгича механизмини ишлаб чиқиш, масалан, баллик тизимда ёки суғурта тўланган даврлар ва тўланган йиллик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб коэффицентлар белгилаш, белги-

ланган коэффицент ёки балларга қараб пенсияларни ҳисоблаш;

– суғурта моделига асосланган ва жамғариш компонентларига эга тизим асосида ҳар бир суғурта бадалини тўловчи (меҳнат қилувчи) шахс учун пенсия суғуртаси бўйича шахсий ҳисоб рақам (ПСШҲР) очиш ва маблағлар ҳисобини юритиш, ташкил этилган ПСШҲРни барча давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан тўлиқ интеграцияни таъминлаш.

2. Пенсия таъминоти тизими жозибадорлигини ошириш ва қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб ва рағидаги ҳамда ПСШҲРда йиғилиб бориладиган маблағлардан ипотек, таълим ва бошқа истеъмол кредитларини олишда таъминот сифатида фойдаланиш ёки муддатидан олдин маблағларни ечишга рухсат бериш;

– бугунги кунда республикада 2022 йил ноябрь ҳолатига кўра 631 та акциядорлик жамиятларида иқтисодий фаол аҳолининг аксарият қисми бандлигини ҳисобга олиб пенсия таъминотида корпоратив пенсия тизимини ишлаб чиқиш ёки бозор капитализацияси юқори бўлган акциядорлик жамиятлари (UzAuto Motors, ТИФ Миллий банк, Ўзбекнефтгаз, Ўзкимёсаноат ва б.) ҳузурида хусусий (нодавлат) пенсия жамғармаларини ташкил қилиш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон фармони.
2. Rozanov A. (2015) Public pension fund management: best practice and international experience // Asian Economic Policy Review. 2015. №10. P.275-295
3. Вавулин Д.А. (2016) Негосударственные пенсионные фонды: место в системе обязательного пенсионного страхования 2016. - № 2. – С.162-176
4. Börsch-Supan, A. and C. Coile (2018). “Social Security Programs and Retirement Around the World: Reforms and Retirement Incentives – Introduction and Summary”, NBER Working Paper 25280, Cambridge, MA.
5. Поук В.Д. Социальная политика. Социальное обеспечение и страхование: учебник и практикум для вузов. – Москва: Издательство Юрайт, 2020. – 522 с.
6. Tursunov, J. “Ways to ensure the financial stability of the pension fund when improving the state pension provision.” International Finance and Accounting 2020.2 (2020): 5.
7. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб сайти маълумотлари.
8. www.pfru.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси расмий веб-сайти маълумотлари.
9. Давронов Ш.З. “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурта тизимини ташкил этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” мавзусида Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. Тошкент. 2022 йил. 72 бет.
10. Турсунов Ж.П. Пенсия тўловларини индексациялашнинг хориж тажрибаси. //Moliya va bank ishi. 3 (2022), 14-18.
11. Ражабов Ш.У. “Пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари” мавзусида Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2021 йил. – 71 б.
12. Конвенция N-102 Международной организации труда «О минимальных нормах социального обеспечения». Статья 67. (Заключено в г. Женева 28.06.1952). Приложение к разделу XI периодические выплаты типовому бенефициарию. – С. 21.
13. PULATOVICH, TURSUNOV JAKHONGIR. “WAYS TO REFORM THE PENSION SYSTEM BASED ON FOREIGN EXPERIENCE”. International journal of economic perspectives 17.1 (2023): 64-71.
14. Турсунов, Ж. (2022). ВЛИЯНИЕ СТАЖА РАБОТЫ НА НАЧИСЛЕНИЕ ПЕНСИИ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПЕНСИОННОГО ВОЗРАСТА. Экономика и образование, 23(6), 247–253. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/843>